

<https://doi.org/10.47100/nuu.v2i18.03.120>

## УЛУҒБЕК ҲАМДАМНИНГ “ЁЛҒИЗЛИК” ҚИССАСИДА КОМПОЗИЦИЯ ВА СЮЖЕТ

**Асадов Маҳмадиёр Тураевич,**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
унивеситети таняч докторанти

[diyorbek.asadov@gmail.com](mailto:diyorbek.asadov@gmail.com)

Бадиий асар сюжети ва композицияси хусусида гап боргандга, аввало, академик Матёқуб Кўшжоновнинг шундай таъкидини келтириш ўринли бўлади: “Мураккаб сюжетларда асосий масала воқеаларнинг тузилиш тартибига – фабуласига боғлиқдир. Фабула эса фақат асар сюжетига эмас, композициясига ҳам тегишли масаладир. Шу нуқтада асарнинг сюжет ва композицияси бир-бирига яқинлашади. Албатта, мураккаб сюжетли асарларда сюжет ва композициянинг роли бир хил эмас. Сюжет бу – асарда тасвирланаётган ҳар бир воқеа, ҳар бир лавҳа ва ҳар бир деталнинг қаҳрамон характери тасвирида ўйнаган роли, асар ғояси ифодаланишидаги вазифа демакдир. Композиция эса ҳар бир воқеа, ҳар бир лавҳа ва ҳар бир деталнинг ёзувчи кўзда тутган мақсадга мувофиқ асардан ўрин олиши ва шу мақсадга мувофиқ тасвирланиш меъёридир” [1:392].

Асарда воқеликнинг ташкил қилинишига қараб сюжетни икки турга ажратиш мумкинлигини таклиф қиласди академик М.Кўшжонов. Яъни, биринчиси *хронологик тур* бўлса, иккичиси эса *мураккаб психологик тур*. Олимнинг таъкидича: “Хронологик сюжет шу билан характерланадики, унда қаҳрамон ва ёки қаҳрамонлар ҳаёт йўли, унинг бошидан ўтган воқеалари узлуксиз тартибда берилади. Унда ҳар хил орқага чекинишлар жумбок



яратишлар деярли учрамайди... Мураккаб психологик тур эса ёзувчи танлаган характернинг мураккаблигига боғлиқ. Асар бош қаҳрамони тўғри йўлдан кетиш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд бўлган бир пайтда эгри йўлни танлайди. Шу сабабдан асардаги воқеалар бир хил йўналишда эмас, балки ҳар хил типдаги воқеалардир..." [1:389].

Масалан, Улуғбек Ҳамдамнинг "Ёлғизлик" қиссаси сюжетида қаҳрамон характерини шакллантиришдаги бу каби реал воқеа ва ҳодисаларни кам учратамиз. Хонадонидаги айрим кичик деталлар, аёли билан боғлиқ эслатмалар, оила аъзоларининг айрим ҳаракатлари ёки асарда бироз ортиқчадек туулган, бовул қилишлари каби ҳолатлар кичик деталлар бўлиб, булар кўпинча метафорик характер касб этади. Қисса матнида аксарият ҳолатларда қаҳрамон хаёлидаги, руҳиятидаги тартибсизликлар, дунёни тушуниш, борлиқдан ўз моҳиянини англаш йўлидаги хаёлий кечмишлар, ўз идеалини қидириб, хаёллари осмонида тентираклаб кезишлари тасвирланган. "Кулоқларим остида фақат дарахтларнинггина шовуллаши қолди. Мен уни узоқ вақт тинглаб ўтиредим..." [4:9] дейди қаҳрамон. Бу "дарахтнинг шовуллаши" композицион қурилма сифатида асар давомида қаҳрамон онгида такрор ва такрор янграйверади. Айтиш мумкинки, унинг қалби чилпарчин синди ва шу жойдан ёлғизлик шовиллаб кириб келди. Бу оҳанг уни ташқарига – одамлар олдига чиқишига имкон бермаяпти. Ва борган сари "шовуллаши" авж олиб, қаҳрамонни ўз ботини қаъригача олиб бораради. Эҳтимол шунинг учун "Илгари адабиёт ташқари (реал воқелик)ни эринмай таърифлаб чиқарди, бугун эса у қизиқ бўлмай қолди, инсон учун унинг кўнгли қизиқ" [2:14] деган эди ёзувчининг ўзи.

Адабиётшунос Раҳимжон Раҳмат фикрича, "дарахтнинг шовуллаши бу – бир қутб (рамз) бўлиб, қаҳрамоннинг бутун изтироблари гўё ўшанга нисбатан, ўшанинг қаршисида, ўша туфайли туғилаверади. Иккинчи қутб эса

унинг одатий ҳоли, бир инсон сифатидаги орзу ҳаваси, эҳтиёжи... бўлган жойдир. Қаҳрамон ана шу икки қутб – икки “мен” ўртасида аросатда қолади ва шиддатли азоб билан олишади. У ўзини ўтга, чўққа уради, лекин нажот тополмайди. Изтироблар қаҳрамонни яна ёлғизлик сахросига олиб чиқади...” [4:4].

“Ёлғизлик” қиссаси сюжетида такрор ва такрор учрайдиган *дараҳтнинг шовуллаши* композицион қурилма сифатида маъно ташийди. У қаҳрамон характерини шакллантириш учун, унинг ботинидаги ўй-хаёлларини ёритиш учун, бир сўз билан айтганда асар мазмуни учун хизмат қилади. Яна бир мисол: “... *Кулогимга бирдан дараҳтнинг олис шовуллаши кирди ва барчаси сон бўлди: “кайфим” тарқади!..* худди ҳеч ким билмайдиган жиноий иши қилиб қўйганману туйқусдан виждоним бошкўтаргандек ғалати бир қийноқда қолдим. Хотиним учинчи бор овқатга чақириб келдиямки, ўрнимдан қўзгалолмайман. Ичимда нимадир қарс синган. Ҳатто унинг нималигини ҳам билмагандекман: ФАРОФАТ!..

*Дараҳт тагин ва тагин шовулларди.* Энди унинг овози тобора яқиндан эшишилар, ҳолим ҳам шунга яраша – боргунча паришионлашарди. Ниҳоят, у мени тамоман аср этганда, шовуллаш шунчаки сас эмас, балки мусиқа – улуғвор оҳанг эканлигини идрок этдим... Ҳар ҳолда эндиғи аҳволи руҳиям бутунлай бошқача эди. Шу тобда менга аввал гоғил бўлмаганим бир сир юз очганди: бундан буён мен на Голибу ва на Мағлуб эдим” [4:10]. Қаҳрамоннинг яна ўзини англаш ҳисси дараҳт шовуллаши янглиғ пайдо бўлади. У бироз сергак тортиб, англайдики, унинг руҳи ўйғонгану, бу ўйғоқ руҳ уни бошқалар тушунмайдиган аллақандай манзилларга элтмоқда. Қаҳрамон ботин оламига, ўз ичига шу қадар кириб кетганки, энди ўзидан анча узоқлашиб кетган ташқари (хотинининг учинчи бор чақириги)ни ҳис қилмай қўйди. Дараҳтнинг таниш овозлари энди унга шу қадар яқин янграйтики, бу хушловозлар унга

оҳанграбодек туюлмоқда. Унга завқ бермоқда. Энди унинг рухи танасидан ажралиб, тана ташқарида – моддият дунёсида қолиб кетди. Рух эса танадан озод бўлиб ичкарига – ботин қаърига шўнғиди, хурлик томон кетди. Қаҳрамоннинг айни дамдаги аҳволи ростанам ачинарли, унда мувозанат бузилди, одатдаги инсон қиёфасини йўқотди, у энди иккига ажралди: руҳсиз қолган тана ёхуд танасиз рух. Бу ҳолатга тушган инсон ҳаётда ғалаба қозонганини ҳам, ёки бу унинг мағлубияти эканлигини ҳам билолмай сарсон. У на бошқалардан ажралиб, ўз “мен”и билан ички оламида яшай олади, на ташқарига – одатдаги ҳаётига қайта олади. У чиндан-да, қаттиқ изтироб чекмоқда. Унинг шу тобдаги ҳолати асарда қаҳрамон тилида шундай келтирилади “*Кўксимда мингта, миллионта жсангчи ва мингта, миллионта жсанг кетаётир, фақат мен қайдаман ва ким томондаман? Мен ўзимни йўқотиб қўйдим, эй Парвардигор! Мен турмушининг арзимас юмушилари орасида қолиб хор бўлдим, мен улардан тўйдим. Мен бандалик ботқогидан чиқиб кетолмаётган ўзимдан зерикдим. Мен тинимсиз равишда мажбуриятларни, заруратларни бажаршидан сиқилдим. Ниҳоят, менга чумоли каби битта-иккита издан юра-юра ўлиб кетиши алам қиласи. Ниҳоят, мен билган бу олам Сенинг бутун қудратинг ҳосиласи эмас! Мен Сенинг қудратингни кўрмоқ ва кўрмоққа кифоя салоҳият истайман, эй Парвардигор!*” [4:15-16]. Бу парчада қаҳрамон Парвардигорга ёлвориш, Ундан нажот сўраш билан бирга, бироз таъна-дашном борлиги ҳам сезилади. Бошқача қилиб айтганда, Ғарб адабиётидаги экзистенциализм ва абсурд таълимоти тарафдорларининг ҳаёт ҳақидаги қарашларини маъқуллангандек, гўё. Шу қисмдаги қаҳрамоннинг айrim сўзларини француз адаби Альбер Камюнинг “Бегона” асари қаҳрамони Мерсосига менгзаш мумкин. У.Ҳамдамнинг қаҳрамони ҳам Мерсо сингари жамият мажбуриятларни, расмиятчиликларни, инсоний заруратларни инкор этади, бу тарздаги расмий

ҳаётни қабул қилмайди. Ўзбек адиби хам Камю сингари ўз қаҳрамонини экзистенциал ҳолатини хоҳламоқда. Лекин “Ёлғизлик” қаҳрамонини Мерсодан ажратиб турадиган жихат шуки, у Мерсодан фарқли ўлароқ Худони мавжуд эканлигига ишонади, уни инкор этмайди. Фақат Оллоҳни таниш йўлидаги тушунмовчиликлар, номувофиқликлар унга баъзида азоб бериб туради.

### **Адабиётлар**

1. Қўшжонов М. Танланган асарлар: Адабий-танқидий мақолалар, эсселар, хотиралар / – Т.: “Sharq”, 2018.
2. Hamdamov U. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. – Т.: Akademnashr, 2020.
3. Асадов М. <https://www.tadqiqot.uz/art/index.php/art/article/view/117>
4. Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017.